ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МУСИҚА САНЪАТИ ВА ФОЛЬКЛОР ҚЎШИҚЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРНИ ЭСТЕТИК ТАРБИЯЛАШНИНГ САМАРАЛИ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Н.А.Хакимов, З.Х.Сатимова

В статье рассматривается роль узбекского национального музыкального искусства и фольклорных песен в эстетическом воспитании учеников.

In this article the role of educating the students esthetically by means of Uzbek national music art and folk songs was shown.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, жамият ижтимоий ҳаётида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга асосланган ҳуқуқий жамиятни барпо этиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, таълим-тарбия жараёни мазмунига миллий истиқлол мафкураси ғояларини сингдириш, талабаларни миллий қадриятлар, анъаналар ва кўп асрлик мусиқий мерос воситасида эстетик тарбиялаш алоҳида долзарблик касб этмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, мустақилликнинг биринчи йиллариданоқ мамлакатимизда мусиқа санъатини кенг ривожлантиришга катта аҳамият берилди. Айниқса, мумтоз мусиқий меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш, уни ёш авлодга безавол етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбек халқи тарихида шаклланган ва ривожланган ўзбек халқ мусиқа санъати сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш мамлакатимиздаги кенг миқёсда амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг ҳал қилувчи омилидир” [1,480].

Шу жиҳатдан ҳам бугунги кунда ўзбек халқ қўшиқлари асосида ўқувчиларни эстетик тарбиялаш имкониятлари ва улардан самарали фойдаланишни илмий тадқиқ этиш долзарб вазифа бўлиб турибди. Эстетик таълим-тарбия туфайли ўқувчиларда бир қатор ижобий сифатлар шаклланади. Жумладан, уларда кучли ҳиссий мушоҳада, мустақил тафаккур юритиш қобилияти, мантиқий фикрлаш хусусиятлари таркиб топади. Шундай экан, умумий ўрта таълим босқичида ўқувчиларда эстетик маданиятни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу ўринда ўқувчиларга эстетик таълим-тарбия беришда маънавий меросимизнинг таркибий қисми бўлган мусиқий фольклор муҳим ўринни эгаллайди. Таълим жараёнида мусиқий меросдан фойдаланиш натижасида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, эстетик дидини ривожлантириш учун имконият вужудга келади. Ўзбек мусиқа фольклорининг ритми эшитувчига тез таъсир қилади. Ана шу қўшиқлар орқали ҳар бир шахснинг маънавий камолоти юксалади. Фольклор қўшиқларида воқеа-ҳодисалар, шахснинг ботиний кечинмалари ўз аксини топади ва бу ҳолат жамоанинг ҳис-туйғулари билан уйғунлашган ҳолда ифодаланади.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Куй қўшиққа, санъатга муҳаббат мусиқа маданияти халқимизда болаликдан бошлаб, оила шароитида шаклланади. Уйида дутор, тамбур ёки доира чолғу асбоби бўлмаган, мусиқанинг ҳаётбахш таъсирини ўз қалбида ҳис этмасдан, сезмасдан яшайдиган одамни бизнинг юртимизда топиш қийин десак, муболаға бўлмайди”[2,141]. Шу жумладан, фольклор халқ ижодиётининг барча соҳалари сингари халқ мусиқасини ҳам ўз ичига олади. Халқ мусиқаси айрим ҳолларда “Мусиқа аҳли” деб ҳам юритилади. Фольклор қўшиқлари оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб тўлдирилади ва сайқал топади. Бу қўшиқларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири уларнинг ғоявийлигидир.

Мусиқанинг буюк қудрати шундаки, у ўқувчининг ички дунёсига кириб бориб, ҳиссиётларини кучайтиради. Психолог олимларнинг таъкидлашича, мусиқий оҳанг инсон бош мия ярим шарларидаги нозик нуқталарга, бошқа нарса таъсир этмайдиган қатламига етиб боради ва дилтортар мусиқа айнан шу ақлий қувват, ҳиссиёт заҳираларини ҳаракатга келтиради. Ўқувчиларда ўзбек мусиқа фольклори воситасида шакллана бошлаган билим, кўникма ва малакалар уларда мусиқа санъатининг нодир асарларини тушуниш ва ўзлаштириш, улардан завқланиш имкониятини кенгайтиради. Бу жараён қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

а) ўқувчиларда миллий мусиқа санъатига ҳамда фольклор қўшиқларига қизиқиш уйғотиш;

б) ҳар бир ўқувчида қўшиқларни ифодали ва хушоханг ижро этиш маҳоратини қарор топтириш;

в) миллий ҳамда ўзбек мусиқа фольклори қўшиқларини онгли ва ҳиссиёт билан идрок этиш, улардаги нафисликни сезиш ва гўзаллик нуқтаи назаридан баҳолашга ўргатиш;

г) мусиқий билим ва малакаларини ўстириш, мусиқий таассуротларни кенгайтиришга эришиш;

д) санъат ва эстетик гўзалликни эгаллашга нисбатан барқарор эҳтиёжни қарор топтириш;

е) мусиқа маданияти дарсларида эстетик қадрият намунаси бўлган одоб-ахлоқ, гўзалликка интилиш, дўстлик, ростгўйлик ва ватанпарварлик ҳисларини шакллантириш.

Ушбу мақсадга эришиш учун эса фольклор қўшиқларининг ўзига хос хусусиятлари, воситалари, яъни товуш тембри, унинг баланд-пастлиги, ритм хилма-хиллиги, гармоник тузилиши, интервал тузилишидаги ранг-баранглик, динамик тус ва бошқалар катта ўрин тутади. Ўқувчини ҳис-хаяжонга соладиган, унинг туйғулари оламида мўъжизалар яратадиган беқиёс таъсир кучига эга бўлган фольклор қўшиқлари халқнинг юрак дардлари, қувончшодликлари, ғам-аламлари, орзу-умидлари силсиласидан яралган бўлиб, ўқувчи шахсининг камол топишида тутган ўрни тенгсиздир.

Ўзбек мусиқа фольклори намуналари авлоддан авлодга ўтиб, халқнинг қон-қонига сингиб кетган ва шунинг учун ҳам халқ оҳангларининг нолақочиримлари ҳамда миллий безакларини тинглаган киши куй оҳангларига бефарқ бўла олмайди, бевосита оҳангга эргашади, қўшилиб куйлайди, рақсга тушади, яъни мусиқа уни ўзининг сеҳрли оламига етаклайди.

Ўзбек мусиқа фольклори эстетик жозиба олами бўлибгина қолмай, балки эстетик таълим-тарбия воситаси ҳамдир. Чунки инсон ҳис ҳаяжони замирида маънавий-ахлоқий тушунчалар, ҳиссиётлар, хулосалар ҳам ётади. Буюк аллома Абдураҳмон Жомий мусиқанинг хилма-хиллиги инсон маънавий эҳтиёжларининг ифодаси эканлиги, эстетик лаззат ва ҳузур орқали инсон маънавий баркамоллигини таъминлашини таъкидлайди. Унинг эътироф этишича, “Руҳга таъсир ва лаззат бирор нарсани тушуниб, билиб олмоқдан келади. Нимаики руҳ томонидан тез идрок этилса, уни ҳайратга, чуқур ўйлашга мажбур этса, у энг таъсирли ва энг лаззатли ҳисобланади” [3,238].

Мавзу жиҳатидан турлича бўлган ўсмирларга хос фольклор қўшиқларини мунтазам равишда ўрганиб бориш, ижро этиш ўқувчиларнинг нафақат репертуарини бойитади, балки уларнинг миллий қадриятларимизга бўлган муносабатини барқарорлаштиради, дунёқарашини кенгайтиради ва эстетик фазилатларининг такомиллашишига ёрдам беради. Шу ўринда бу фазилатлар маънавий, ақлий, ахлоқий, бадиий ва маданиятлилик каби кўп қиррали таркибий қисмлардан иборат, бу фазилатлар дарс жараёнида ўзаро бирлик ва алоқадорликда сингдирилади дея эътироф этилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Эстетик тарбия замирида ахлоқий билим, кўникма ва малакалар ёрдамида ўқувчининг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатларини бошқаришнинг ўзига хос тизими ётади. Ахлоқан гўзал шахс маънан гўзал ва баркамол бўлади. Ахлоқий фазилатлар эса ўқувчининг кўп қиррали фаолияти давомида қисман миллий мусиқа ҳамда фольклор қўшиқлари воситасида шаклланиб боради.

Ахлоқий фазилатлар инсонпарварлик, ҳалоллик, ташаббускорлик, фаоллик, ижодкорлик, табиатга муҳаббат, бурч ва садоқат, эътиқод каби қатор муҳим тушунчаларда ўз ифодасини топади. Фольклор қўшиқлари ўзининг қулайлиги ҳамда тингловчиларга тез етиб бориши билан ажралиб туради. Чунки бу қўшиқларда халқнинг анъаналари, расм-русумлари, маданияти ўз ифодасини топган.

Ёш авлодни фольклор ва халқ қўшиқлари воситасида тарбиялашда мусиқани ҳиссий идрок қилишга йўналтириш энг асосий омил ҳисобланади. Бунда албатта ўқувчини қизиқтира билиш катта аҳамиятга эга. Қизиқиш уларнинг эҳтиёжига айланса, уларнинг диққати ва фикри-хаёлини жамлашга катта имкон беради. Халқ қўшиқлари орқали ўқувчиларни эстетик тарбиялашнинг муҳим шартларидан бири уларда мусиқий қобилиятнинг мавжудлигини аниқлай олишдир. Мусиқага оид эстетик қобилият – бу ўз навбатида идрокнинг 2 муҳим томонини ўзида мужассамлаштиради.

а) ҳиссий билиш;

б) самарали билиш.

Ҳиссий билиш – ҳар бир ўқувчининг мусиқадан таъсирлана олиши, унинг гўзаллигини ҳис этиши, ҳаётий воқеаларни ўз қамровига сола олишда намоён бўлади.

Самарали билиш мусиқани идрок қилиш орқали ўқувчининг ўзини ўраб турган атроф-муҳит ва ҳаёт ҳақида унинг учун янгилик бўлган хабар ва билимларни эгаллашга эришишидан иборат. Ўқувчиларга ўргатиладиган қўшиқларнинг мусиқий безагини ундаги нола ва қочиримлардан унумли фойдаланган ҳолда халқ анъаналари удумлари ҳамда турли маросимлари билан узвий боғлаб олиб бориш лозим. Ижро этиш жараёнида эса сўзнинг таъсирчанлиги билан биргаликда ундаги ўйноқилик, ҳаракатчанлик, эпчилликка ундаш, имо-ишоралар, товушлар оҳангдорлиги, чолғу созларнинг мусиқий жозибадорлиги ўқувчиларда гўзалликка бўлган интилишни шакллантиради ҳамда эстетик тарбия воситаси бўлиб хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўқувчиларни комил инсон қилиб тарбиялашда миллий мусиқа санъати ва фольклор асарларини эмоционал ҳамда интеллектуал жиҳатдан идрок эта олиш малакалари муҳим омиллардан бири бўлиб қолади.

Адабиётлар:

1. А.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида.- Т., 1998
2. А.Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч.- Т., 2008
3. А.Жабборов. Ўзбекистон бастакорлари ва мусиқашунослари.- Т., 2004

Андижон давлат университети
2010 йил 25 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Х.Ҳасанов)